SIRDARYO VILOYATI
SIRDARYO TUMAN
HOKIMINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
СЫРДАРЬИНСКОГО РАЙОНА
СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

2020 йил «28» февраль **322-сонли** **Сирдарё шахри**

Туманда М-34 автомагистрал йўлининг 74-77 км, 78-82 км, 85-87 км, 94-96 километрларида ҳамда 4Р 29 (Қозоғистон Республикаси чегарасига кетиш) йўлининг 8-12 километрларида 3.24 "юқори тезлик чекланган", 7.2.1 "таъсир оралиғи" ва 3.25 "юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири" йўл белгиларини ва М-34 йўлининг 95 километрида ("Бахт деҳқон бозори" МЧЖ қаршисида) 3.27 "тўхташ тақиқланган" йўл белгисини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сон "Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 9 апрелдаги 292-сонли "Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек фуқароларнинг ушбу мазмундаги мурожаатларини ижобий ҳал этиш мақсадида Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг 08.02.2020 йилдаги 10/6-268-сонли хатига асосан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг 08.02.2020 йилдаги 10/6-268-сонли хати ва фуқароларнинг мурожаатлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (Ш.Шамсиддинов) ва туман ҳудудий йўллардан фойдаланиш ДУК (Б.Бектемиров) белгиланган тартибда қуйидаги жойларга:

М-34 йўлининг 74-77 км, 78-82 км, 85-87 км, 94-96 км, 4Р 29 (Қозоғистон Республикаси чегарасига кетиш) йўлининг 8-12 километрларида 3.24 "юқори тезлик чекланган", 7.2.1 "таъсир оралиғи" ва 3.25 "юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири" йўл белгиларини;

М-34 йўлининг 95 километрида (Бахт деҳқон бозори қаршисида) 3.27 "тўхташ тақиқланган" йўл белгисини ўрнатсин.

3. Сирдарё тумани Ички ишлар бўлими ЙҲХБ (Ш.Алибоев) вилоят ЙҲХ бошқармаси билан биргаликда ўрнатиладиган йўл белгиларини тегишли тартибда ҳисобга олиб, йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилинишини назоратга олсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

5. Қарор матни ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ҳамда бир кунлик муддатда ижрочиларга етказилсин.

6. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган вақтдан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **А.Р. Мухамадиев**